МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА КОНСТРУКТОРЛИК МАСАЛАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Т.САБИРХОДЖАЕВА, Н.А.МУСЛИМОВ

В данной статье рассматриваются вопросы повышения эффективности обучения с использованием конструкторских задач в процессе проведения уроков труда. Предлагаются конкретные пути обучения учащихся 5-7 классов обшеобразовательных школ графическим знаниям с применением педагогических и информационных технологий.

The article discusses the problems of improving the efficiency of teaching labour lessons with the ability of constructing tasks. The author suggests concrete ways of teaching labour in the 5th -7th forms of the secondary schools by using graphic knowledge of students and pedagogical and informational technologies.

Келажакка умид – бу ёшлар тарбияси, комил инсонни тарбиялаб етиштириш, ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Таълим - тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида ўқитиш билан бирга, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Замонавий педагогикада таълимга ишлаб чиқариш технологияси жараёни сифатида қаралиб, белгиланган вақт ичида кўзланган мақсадларга эришишни кафолатлайдиган янги педагогик технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Натижада кўпгина мамлакатларда педагогик технологиядан фойдаланиб ўқувчилар ўзлаштиришини оширишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёнини самарадорликеи ошириш ва таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади .

Бизнинг мақсадимиз таълим жараёнига турли ечимли конструкторлик масалаларини замонавий педагогик, ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиб татбиқ қилиш йўли – методикаси асосида 5-7-синфларда меҳнат таълимини ўқитиш жараёни ҳамда устахонадаги машғулотларни янгича услубда ташкил этишдир. Табиийки, савол туғилади: нима учун меҳнат дарсларида график билимларни шакллантириш керак?

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларида чизмачилик фанининг асосий мақсад ва вазифалари “... ўқувчиларни мураккаб бўлмаган техник чизмаларни бажаришга, ўқишга ва ўз фикрини тасвирлар воситасида ифода этишга ўргатишдан иборат эканлиги, шунингдек, чизмаларни ўқиш ва бажариш орқали болаларнинг фазовий тасаввури, мантиқий тафаккурини, техникавий ижод, бунёдкорлик, ҳамда лойиҳалаш каби сифатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш”[1] этиб тайинланган. Шу билан бирга, чизмачилик курси ўқув материалининг мазмуни ўқувчиларда техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқаришда техник объектлар билан мулоқотда бўлишга қаратилган. Шунга кўра, ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш соҳасида ҳозирги вақтгача қилинаётган ишларни янада такомиллаштириш лозим. Бу эса болаларни фақат билимлар тизими билан қуроллантирибгина қолмай, балки уларда фикрлаш фаолиятининг турли график масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлган ихчам усулларни шакллантиришдан иборат.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари чизмачилик курсини VIII синфда ўргана бошлайдилар, аммо V-VII синф меҳнат таълими устахонасидаги машғулотларда ҳам чизмачилик элементлари билан танишадилар. Чизмаларни ўқиш ва чизиш соҳасидаги билим ва кўникмалар тизими билан техникага тааллуқли билимларни уйғунлаштириш ҳамда айнан меҳнат таълими машғулотларида график билимларни шакллантирувчи конструктив масалалар тўплами яратиш ўқувчиларнинг етарли даражада пухта билим олишларига кўмаклашиши ва умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг ишини осонлаштириши билан муҳимдир.

Конструктив масалалар тўпламини яратишда V-VII синфлардаги меҳнат таълими устахона машғулотлари билан I-IV синфларда меҳнат дарсларини ўқитиш методикаси ҳамда фаннинг мазмуни ҳисобга олинади.

Шунингдек, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг фазовий тасаввурлари, мантиқий тафаккурини ривожлантириш, лойиҳалаш ҳамда график тушунчаларга оид билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, яъни устахонада амалий машғулотларни меҳнат таълими ва чизмачилик

курси асослари бўйича ўқитиш жараёнида турли конструкторлик масалаларни ечиш воситасида график билимларни шакллантирувчи методларни ишлаб чиқиш, унинг асосида ўқитиш натижасида ўқитиш методикаси бойитилади.

Ўқувчилар меҳнат объектини бевосита тайёрлашдан олдин унинг конструкцияси ва ишлов бериш технологиясини амалга оширилиши керак бўлади. Бу жараёнда улар аввал қатор техник масалаларни ҳал қиладилар, фақат шундан кейин оддий буюмларни ясаш, деталларни ишлаш, уларни йиғишга ўтадилар. Шундай қилиб, ўқувчилар меҳнат таълими жараёнида муайян амалий меҳнат ҳаракатларини бажарибгина қолмай, ана шу ҳаракатга боғлиқ ҳолда вужудга келадиган турли ечимли график масалаларни ҳам ҳал қиладилар. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида "...ўқувчиларнинг ўзи қизиққан халқ ҳунармандчилиги тури бўйича бирор буюм эскизини чизиши, лойиҳалаши ва шу эскиз асосида буюмнинг ўзини ясаши, дизайн талаблари асосида буюмга бадиий ишлов бериши ҳамда ёғоч ва металларга чизма, эскиз ва технологик хариталар ёрдамида механик ишлов бериш, иш учун зарур бўлган мослама ва асбобларни танлаш"[2] ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган билимлар деб белгиланган.

"Маълумки, умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар мактабларида меҳнат таълимининг мукаммал амалга оширилиши ўқувчиларнинг графикага оид саводхонлигининг сифатига ҳам боғлиқ" [3]. Чизмани ўқиш ва уни тушуниш меҳнат таълими топшириқларини унумли бажаришда асосий омиллардан биридир. Демак, чизмачиликка оид айрим билимларни ўзлаштирмасдан туриб ўқувчиларга конструкторлик-технологик тизимнинг элементларини ўргатиб бўлмайди.

V-VII синф меҳнат таълими жараёнида график билим элементларини шакллантириш, яъни меҳнат топшириқларини бажариш жараёнида ўқувчилар меҳнатни режалаштиришга ва ташкил этишга, меҳнат жараёнининг боришини кузатишга, унга тузатишлар киритишга ҳамда рўй берадиган хатоларни бартараф қилишга жалб этилади. Бундай фаолият ўқувчиларнинг амалий ҳаракат билан уйғун ҳолда фаол ақлий ишлашини талаб этади. Ўқувчиларнинг ақлий фаолияти техник масалаларни ҳал қилишда алоҳида аҳамиятга моликдир. Техник масала дегани кенг маънода меҳнат қилишда билим, ўқув, ижодий изланишлар асосида турли ечимлар ва малакаларнинг ҳаммаси биргаликда қўлланадиган ҳар қандай масалани англатади, бу эса чизмани ўқиш, тузиш ва ундан моҳирлик билан фойдалана билиш каби муҳим сифатларни ривожлантиришга имкон беради. Бунда ўқувчиларнинг график билимлари чуқурлашади, мустаҳкамланади.

Шунингдек, график тушунчаларга оид билим, кўникма ва малакалар умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартининг "Фанлар мазмунининг мажбурий минимуми" ҳамда "Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар"ида белгиланган бир неча фан(меҳнат, алгебра, геометрия, география, физика, чизмачилик)ларни ўрганиш жараёнида билимларни ўзлаштиришнинг сифат ва самарадорлигини оширади.

Адабиётлар:

1. Умронхўжаев А., Одилов П., Хурбоев Н. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари.- Т., 1999.

2. Нишоналиев У., Давлвтов К., Толипов У.К., Усмонов С.А., Муслимов Н.А., Аликулов А.Ж., Раззоқов Д., Бобожонова Қ. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари.- Т., 1999.

3. Умронхўжаев А. Мактабда чизмачилик ўқитиш.- Т.: Ўқитувчи,1991

Тошкент Давлат педагогика университети,
2013 йил 15 январда қабул қилинган.